

Бабаназаров Калбай Рустамович

Докторант Каракалпакского государственного университета

кандидат юридических наук

**ПОНЯТИЕ И ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ОКРУЖАЮЩЕЙ
ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ КАК ОБЪЕКТА РАДИАЦИОННОГО
ВОЗДЕЙСТВИЯ**

Аннотация: В статье отражается правовая охрана объектов окружающей природной среды от радиаций. Кроме того, было предусмотрено использование природных объектов и охрана природы регулирующие отношения законами и правовыми мерами. Эти меры были предусмотрены и описаны в Конституции Республики Узбекистан и в других нормативных актах.

Ключевые слова: окружающая природная среда, естественная и искусственная радиация, правовая охрана, радиоактивные отходы, источники радиации.

**РАДИАЦИЯВИЙ ТАЪСИР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА АТРОФ ТАБИЙИЙ
МУҲИТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ**

Бабаназаров Калбай Рустамович

**Қорақалпоқ давлат университети докторанти,
юримдик фанлар номзоди**

Аннотация: Мақолада аτροφ табиий муҳит объектларини радиация таъсиридан муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган. Шунингдек, табиат объектларидан фойдаланиш ва табиат муҳофазасига қаратилган қонун ва қонунлар бўйича белгиланган чоратadbирлари кўриб чиқилган. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топганлиги билан асосланган.

Калит сўзлар: аτροφ табиий муҳит, табиий ва сунъий радиация, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, радиоактив чиқиндилар, радиация манбалари.

Радиациявий таъсир объекти ҳисобланган атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва сифати тўғрисида гапиришдан олдин Ўзбекистон Республикасининг қонунларида қўлланиладиган бир қатор тушунча ва ибораларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси[1. Б.48.]да бу каби иборалар сифатида табиий ресурс»(55-м.), «экологик муҳит»(54-м.), «атроф табиий муҳит»(50-м.) ва «атроф муҳит»(100-м) тушунчалари белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»[2]ги қонунида «табиат», «атроф табиий муҳит», «атроф муҳит» каби иборалар қўлланилган. Демак, бу каби экологик муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг моҳиятига кўра, радиациявий таъсирнинг объекти сифатида табиат ва унинг бойликлари, “атроф табиий муҳит”нинг ҳолати ёки сифатини кўришимиз мумкин.

Экологияга оид махсус илмий адабиётларда атроф табиий муҳит ҳолати ва сифатига тааллуқли тушунчалар тўғрисида турли хил фикрлар учрайди. Чунончи, уларда таъкидланишича, «Табиат» («табиий бойликлар») тушунчаси табиий-илмий маънода инсон меҳнат фаолияти ҳосиласи ҳисобланмайдиган моддий дунё объектлари ва тизимларининг табиий ҳолатдаги жамланмаси[3. Б.4.]дир. Бошқа илмий манбаларда ёзилишича, «табиат» тушунчаси табиий ҳолатдаги моддий дунё объектлари ва тизимлари билан бир қаторда инсон фаолияти натижасида яратилган айрим табиий объектларни, яъни сунъий йўл билан барпо этилган ўрмон, балиқ етиштирувчи хўжалиқда кўпайтирилган ва табиий сув ҳавзасига чиқарилиб юборилган балиқлар ёки қўлда боқилиб, сўнгра табиий доимий яшаш жойига қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар ва ҳоказоларни ҳам қамраб олади[4. Б.7.].

Махсус илмий адабиётларда ушбу масала бўйича бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилган. Чунончи, уларда ёзилишича, “экологик муҳит – теварак атроф муҳитдаги ўзаро мутаносибликлар боғланишдаги шарт-шароитлар ва таъсирлар мажмуи бўлиб, одатда, табиий ва сунъий муҳитларга ажратилади. Табиий муҳитни сув, қуёш, шамол, ҳаво, ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий омиллар мажмуи ташкил этади. Сунъий муҳит эса инсон томонидан яратилган

бўлиб, бунда инсоннинг меҳнат маҳсули ва жисмоний таъсири ётади. Табиий ва сунъий муҳитлар бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Уларнинг мавжудлигини экологик муҳит тушунчаси ифодалайди. Экологик муҳит табиий ва сунъий атроф муҳит йиғиндиси бўлиб, тирик мавжудотлар, яъни субъект ва объектлар таъсири сифатида қатнашиб, таъсирлар сони эса теварак атроф муҳитни сақлаб қолиш ёки хавф солиш шароитини келтириб чиқаради” [5. Б.4].

Й.О.Жўраев ҳақли равишда таъкидлаганидек, кўринишидан табиатга ўхшаб турган объект юридик маънода табиат объекти ёки бошқа эканлигини аниқлашнинг асосий мезонлари бўлиб, унинг табиий шароитлардан ажратилмаганлиги, ундаги экологик алоқалар узилиб қолмаганлиги ва у табиий стихияли кучлар таъсиридан холи бўлиб қолмаганлиги ҳисобланади[6. Б.23].

“Умуман олганда табиат илмий-табиий маънода моддий дунё объектилари ва тизимларининг табиий ҳолатдаги жамланмаси сифатида космос, қуёш, ерни ўз ичига олган бутун борлиқни англатади, - деб ёзади Б.Ҳ.Калонов, - бироқ у экология ҳуқуқи билан тартибга солинадиган объект сифатида амалда инсон фойдаланиши ва таъсир қилиши имкониятлари доирасида чегараланади. Демак, ҳуқуқнинг таъсир кучи фақатгина инсон «имконияти» қодир бўлган объектга амалда бўлади, яъни юридик маънодаги «табиат» тушунчаси оддий илмий маънодаги «табиат»дан торроқ бўлади” [7. Б.21.].

Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида кўра, табиат бир қанча алоҳида мустақил объектлардан, яъни ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан иборатдир. Шу сабабдан, экология қонунчилигига кўра табиат объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари умумий асослардан кўра кўпроқ ер, ер ости бойликлари, сув ва бошқа алоҳида табиат объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади. Табиат объектларига доир муносабатлар ҳуқуқ тизими тармоқларига бўлинганлигини ҳисобга олиб радиациявий таъсирни ҳам умумий, яъни яхлит табиатга нисбатан ҳамда алоҳида табиат объектлари (ер, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳ.к)га нисбатан вужудга келишини таъкидлаш ўринлидир.

Демак, экология қонунчилигида кўп қўлланиладиган тушунча «атроф табиий муҳит» иборасидир. «Атроф табиий муҳит» тушунчасининг маъноси тўғрисида сўз юритганда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти сифатида «табиат» эмас, балки «атроф табиий муҳит» намоён бўлади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, радиациявий таъсир объекти бўлиб, биринчи навбатда атроф табиий муҳит ҳолати ва унинг сифати ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда “атроф табиий муҳит” иборасининг асосий тушунча эканлигини Европа Кенгаши томонидан 1994 йилда қабул қилинган «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида модел Қонунида»ги қоидаларда ҳам кўриш мумкин. Ушбу модел қонунда кўзда тутилган «атроф табиий муҳит» тушунчаси ҳаво, ташқи космос, сув, тупроқ, иқлим, фауна ва флора каби табиат ресурслари билан бир қаторда инсон томонидан яратилган атроф табиий муҳитга тааллуқли қадриятларни ҳам, шунингдек инсоннинг яшаши ва унга таъсир қиладиган ва таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Шундай қилиб, дунё амалиётидаги “атроф табиий муҳит” тушунчаси инсоннинг яшаш шароити ва унга таъсир қиладиган бошқа сунъий равишда пайдо бўлган объектларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси қонунларида «табиат» ва «атроф табиий муҳит» бир-биридан фарқланмайди. “Атроф табиий муҳит” тушунчасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижтимоий муҳитни, яъни инсон яшаш шароитини, ишлаши ва бошқа ижтимоий муносабатларни киритмайди. Шундай қилиб, радиациявий хавф-хатар таъсирининг объекти сифатида атроф табиий муҳит - табиий тизимлар, табиат объектлари, табиий ресурс ва табиат бойликлари ўзаро муносабатда ва боғланган ҳолда тушунилади.

Демак, атроф табиий муҳит радиациявий хавф-хатар таъсиридан муҳофаза қилиниши зарур. Зеро, Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»[8]ги Қонунига мўвофиқ, давлат бошқаруви идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, меҳнат жамоалари ва айрим шахслар радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари билан ишлаганда радиация

хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларига, шунингдек радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида стандартларга, техника шартларига ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишлари шарт.

Атроф табиий муҳитни радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий объектларидан бири – давлат ва жамиятнинг экологик хавфсизлиги ҳисобланади. Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик таҳдидларнинг олидини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда аҳоли ўртасида экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияни замонавий халқаро андозалар талаби асосида олиб боришни таъминлаш ўта долзарб муаммо бўлиб қолмоқда[9. Б.4.].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарори асосида қабул қилинган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури” [10] мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш, экологик таҳдидларнинг олидини олиш ва уларни бартараф этишда, экологик барқарорликни таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат саналади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 15 июлдаги қабул қилинган ва Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги Қонуни[11] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29-августдаги №255-сонли “2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокатининг оқибатларини енгилаштириш боасидаги чора-тадбирлар комплекс дастури тўғрисида”ги қарори[12] нинг қабул қилинганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда инсоният ва тирик мавжудотнинг қулай муҳитда яшаши учун глобал экологик муаммолар, яъни экологик инқироз, экологик таҳдид, экологик хавфсизлик, экологик офат, экологик танглик ва ҳалокат ҳамда экологик

фожиаларнинг содир бўлиши ўта хатарли бўлиб, улар турли маъноларни ўзида ифода этиши билан ҳам фарқланади. Бугунги кунда содир бўлаётган экологик муаммолар ичида экологик инқирознинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Шунинг учун олимларимиз томонидан бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда[13. Б.9.]. Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, экологик (табиий) ва техноген хавфлар миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларга қарши кураш долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Экологик хавфсизлик масаласи атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан бир қаторда ҳар қандай давлат учун, шунингдек ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари учун алоҳида аҳамият касб этадиган ижтимоий муаммодир[14. Б.3.].

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, атроф табиий муҳит ва инсон саломатлигини радиациявий зарарли моддалар таъсиридан муҳофаза қилиш, шу жумладан, радиоактив ҳамда бошқа хавфли чиқиндилар билан муносабатда бўлишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги куннинг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан биридир. Шу сабабдан давлатимиз томонидан “Радиациявий таъсир объекти ҳисобланган атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва сифати тўғрисидаги” Дастурни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади ва белгиланган фаолиятнинг асосий ваколатларини ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сабаби доимий равишда ҳал қилинишни тақозо қиладиган масалалар, яъни радиоактив чиқиндиларни шу объектнинг ўзида йиғиштириб олишга бўлган талабларнинг такомиллаштирилиши, уларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишнинг алоҳида шартларини тавсифлаб беришга, уларни сақлашнинг инсон саломатлигига ва атроф табиий муҳитга хавф туғдирмайдиган қоидаларини яратишга, радиация таъсиридан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий таъсирларни солиштириб кўришга ёрдам беради. Чунки бу бир қанча йиллардан буён таъсир мезонларини ахтариш масалалари доимо долзарб бўлиб келган ва бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда
3. Красилов В.Л. Охрана природы: принципы, проблемы, приоритеты. – М., 1997.-С. 4
4. Правовые вопросы охраны природы. -М., 1963.-С.7
5. Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-назарий таҳлили. Монография. – Т..ТДЮУ, 2016. Б.4
6. Жураев Ю.А. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы. -Т.,1990.-С.23
7. Калонов Б.Ҳ. Давлат экология назоратини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Ю.ф.н. илм. дараж. олиш учун дисс. автореферати. –Т., 2008. Б.21.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда
9. Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-назарий таҳлили. Монография. – Т..ТДЮУ, 2016. Б.4
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 22-сон, 282-модда
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 34-сон, 451-модда
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 35-сон, 469-модда
13. Холмўминов Ж.Т. Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари.//Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2014, №2, Б.9
14. Жураев Ш.Ю. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. номзоди илмий дараж. учун дисс.Автореф. – Т, 2012, 3-бет.